

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КАҲРАМОНИ СЕРЖАНТ САИДКАРИМ ҚОСИМТУРАЕВНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Қуrolаниш ва отиш кафедраси цикл (танк бўлинмалари) бошлиғи
подполковник **Б.А.Юсупов.**

Аннотация: Мазкур мақолада Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонда туғилиб ўсган сержант Саидкарим Қосимтураевнинг қахрамонликлари ва ғалабага қўшган хиссалари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В данной статье описан героизм сержанта Саидкарима Косимтураева в годы Второй мировой войны, рожденного и выросшего в Узбекистане.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, агитацион ишлар, агрессор, фронт.

Ключевые слова: Вторая мировая война, агитационная работа, агрессор, фронт.

“...Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз!”

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. М. Мирзиёев

Иккинчи жаҳон уруши XX асрнинг энг катта фожиаси бўлди. 1939 йилнинг 1 сентябрида Германиянинг Польшага ҳужуми билан бошланган уруш 1 млрд. 700 млн. аҳолига (ер курраси аҳолисининг 80%) эга бўлган 72 давлатни ўз жабҳасига қамраб олди, 6 йил давом этган бу қирғин-барот жангларда 50 млн.дан ортиқ киши қурбон бўлди [1].

У бутун инсоният такдирига хавф солди ва ушбу хавфдан фақат бутун антифашист кучларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайлигина омон қолиш мумкин эди. 1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум бошлайди, бу уруш Ўзбекистон халқлари учун ҳам оғир синов йиллари бўлди.

Ўзбекистон аҳолиси совет ҳокимияти ёки тузумини эмас, балки фашизмнинг инсоният бошига қандай талафотлар етказаётганлигини, унинг





инсоният учун кушанда эканлигини англаб етганлиги туфайли фашизмга карши курашга отландилар. Уша машаққатли уруш йилларини ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, одамлар коммунистик режимни ҳимоя қилиш ҳақида эмас, фашизмнинг тугатилиши ҳақида, унинг инсоният бошига бало эканлиги ҳақида гапирар эдилар. Шу сабабли уруш бошланган куннинг эртасигаёқ, яъни 1941 йилнинг 22-24 июнь кунлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва республиканинг бошқа шаҳарларида кўп минглаб кишилари штирок этган митинглар бўлиб ўтди. Митингларда сўзга чиққан кишилар нутқлари фронтда ва фронт орқасида фашист босқинчилари устидан ғалаба қозониш учун ҳамма нарсага тайёрлик руҳи билан суғорилган эди [2].

Дастлабки кунларда ҳарбий комиссариатларга фронтга жўнатиш ҳақида сўраб ёзилган аризалар ёғилиб кетди. Бу аризалар турли касбдаги, турли миллатга мансуб бўлган эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар томонидан ёзилган эди.

Совет иттифоқи қаҳрамонларининг оиласига яна бир паҳлавон қўшилди. Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ районидаги “Меҳнат бирлик” колхозининг илгариги стахановчиси Саидкарим Қосимтураевнинг доврўғи бутун Ватанимизга эшитилди. Саидкарим қизил армия сафига чақирилишидан илгари ўз калхозида стахановча меҳнати билан донг чиқарган ва ҳалол меҳнати орқасидан фаровон ҳаёт кечирарди.

Эркин ва ижодий меҳнат, Ильич чироқлари билан ёритилган катта боғ ва ховли, дам олиш учун колхоз клуби Саидкарим орзу қилиб юрган ҳамма нарса унинг учун мухайё.Егани олдида, емагани кетида эди. Немис-фашист босқинчилар ватанимизга хиёнаткорона хужум қилди. Улар Саидкаримнинг манашу фаровон ҳаёти ва саодатига қасд қилган эди. Шунинг учун ҳам Қосимтураев ўз Ватанининг иқболи, колхоз ҳаётининг порлоқ истиқболини ҳимоя қилиш учун жангга кирди. Қизил армиянинг Сталинграддан Днепргача бўлган буюк хужумида Саидкарим совет аскаринингюзод қилувчи ва қасоскор оғир ва шарафли йўлини босиб ўтди[3]. Саидкарим ҳизмат қилган қисм азим Рус дарёси – Днепрнинг соҳилларига етиб келди. Кўҳна дарё кўзгудек ярқираб кўринар, ўзбек йигитига душманнинг ёмғурдай ёғаётган ўқлари остида чил-чил синаётгандай туюларди. Немис аскарларибизнинг жангчиларимизни дарё қирғоғига яқинлаштирмаслик тараддудиғакиришдилар. Дарёнинг совет






кўшинлари эгаллаган соҳилига немис аскарининг ўқ, снаряд, миналари ёғиб турарди. Бош кўтариш мумкин эмас эди. Қўмондонликдан: “душманнинг қолган-қутганлари чап қирғоқдан улоқтириб ташлансин”,-деган буйруқ олинди. Саидкарим ва унинг экипажидаги жангчилар ҳавф-хатарни писанд қилмай, қаршилиқ кўрсатаётган ёв устига ташландилар.

Рота командири Саидкаримнинг взводи олдига муҳим вазифа қўйди. “Днепрнинг ўнг қирғоғига ўтиб, душман ўт очиш нуқталарини яқсон қиласиз ва бошқа бўлинмаларнинг дарёдан ўтиб олишларини таъмин этасиз!”. Днепр соҳилларига Саидкарим взводи яқинлашганда Саидкарим танкига душман тарафдан талофат етказилди кейин, у ёнаётган танкдан экипаж азоларини эвакуация қилди. Днепрга биринчи бўлиб етиб борди ва чўкка тушиб, дарё сувидан симириб-симириб ичди. Ўзига юклатилган вазифани бажариш учун қайиқ ҳам, паром ҳам йўқ эди кутилмаганда ударёдан сузиб ўтишга қарор қилди. У, ўз экипаж азоларига: ”Менинг ортимдан!” деб команда берди ва ўзи биринчи бўлиб сузиб кетди. Унинг орқасидан экипаж аъзолари ҳамсузиб кетдилар. Саидкарим ҳали юз метр ҳам сузиб боргани йўқ эди, оқиб келаётган ходага кўзи тушиб қолди. “Жуда соз, худди осмондан тушгандай” деб ўйлади. У, ходани экипаж аъзолари билан ушлашиб қирғоқга яқинлашаверди. Атрофда ўқларнинг товуши тобораавжига минар, сувга тушган мина ва снарядлар шовқин-сурон билан ёриларди. Немислар жангчиларимиз устига ўқ ёғдиришни бир минут ҳам тўхтатмадилар.

Саидкарим ўз экипаж азолари билан Днепрнинг ўнг қирғоғига ўтганда, немис пулемёти ўқ уза бошлади. Пулемёт бута тагига яширинган эди. Унинг ёнига яқинлашишнинг иложи йўқ. Душман пулемётчисига ҳамма худуд қафтдай кўриниб турибди. Жангчилар бошларини кўтара олмай соҳилдаги чуқурларга ётиб олдилар. Саидкарим уларга ҳозирча бошларини кўтармай ётиш тўғрисида буйруқ берди, ўзи боши ва тирсаги билан қумни ёриб, душман пулемёти томонга эмаклаб кетди. Немислар тўхтовсиз ўт очмоқда. Ўқлар Саидкаримнинг ёнига тушади. Пулемётга 20 метрча қолганда у иккита граната ирғитди ва ўрнидан тез турди. “Менинг оркамдан, олға!” деб қичқириб буйруқ берди. Жангчилар унинг кетидан югурдилар. Душман пулемётчилари яқсон этилган, пулемёт эса мажақланган эди.





Саидкарим бургутдай учиб бормоқда. Жангчилар унинг орқасидан югуриб борар эдилар. Жангчилардан бири Саидкаримнинг орқасидан: “Ўртоқ сержант, яраланибсиз, кийимингиз қонга беланмоқда” деган эди, у “хечқиси йўқ, салгина ялаб ўтди” деб жавоб берди ва йўлида давом этди.

Саидкарим ўз жангчилари билан душман траншеясига бостириб кирди. Найзобозлик жанги қизиб кетди. Саидкаримтўрт немисни найза санчиб ўлдирди иккитасининг бошини мажақлаб ташлади. Немислар истехкомдан чиқиб қоча бошладилар. Улар тирик қутулиб кетмасин! Йўлини тўсингиз! –деб команда берди. Қочиб кетаётган немисларнинг йўлини Саидкаримнинг ўзи биринчи бўлиб тўсди ва автоматидан сидирасига ўқ узди. Унинг ўзи яна 10 немис аскарини ер тишлатди. Бутун взвод 67 немисни ўлдирди ва қолганларини асир олди. Саидкаримнинг взводи Днепрнинг ўнг қирғоғига мустаҳкам ўрнашиб олиб, душманнинг қарши атакларини қайтариб турди ва бутун батальоннинг дарёдан муваффақиятли ўтиб олишини таъминлади.

Ўртоқлари Саидкаримнинг ярасини боғлаётганларида шундай деди: “Қон кўп кетган бўлса ҳам душманни охиригача тугатишга куч-қувватим етади. Менинг жанг майдонидан-жангчилар сафидан чиқара оладиган немис ҳали дунёга келган эмас. Ҳали кўп фрицнинг ажали менинг кўлимда”.

СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 16 октябрида чиқарган фармони билан Ўзбекистон халқининг вафодор ўғли сержант Саидкарим Қосимтураевга Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилди ва Ленин ордени билан Олтин юлдуз медали топширилди[4].

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага етмиш етти йил тўлади. Бу урушда иштирок этган Саидкарим Қосимтураевдек фахрийлар номини эъзозлаш, улуғлаш ва хотирлаш умуминсоний ўлмас қадрият бўлмоғи лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Герои Советского Союза - Узбекистанцы. Ташкент, 1984
2. Герои Советского Союза: крат.биогр. слов. Т.1. – Москва, 1987
3. Гриченко И.Т., Головин Н.М. Подвиг. - Харьков: Прапор, 1983.
4. М.Ю.Быкова-“Победа сталинских соколов”. Издат. “ЯУЗА-ЭКСМО”, 2008йил.

